



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 234 (9880).

1990 йил 7 декабрь • жума •

Баҳоси 3 тийин.

Бугун Ўзбекистон
Коммунистик партияси XXII
съезди иккинчи босқичи
иш бошлайди

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг пленуми тўғрисида АХБОРОТ

1990 йил 6 декабрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг III Пленуми бўлди. КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съездининг иккинчи босқичига киритилган масалалар ҳақида ахборот берди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Уставининг ва «Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, маънавий янгиликлар, ижтимоий адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шартини учун» ҳаракат дастурининг тайёргарлик комиссиялари тақдим этган лойиҳаларини маъқуллади.

шунингдек уларни муҳокама учун асос сифатида XXII съездга ҳавола этишга қарор қилди.

Пленум Марказий Қўмитанинг мазкур лойиҳаларини тайёрловчи комиссиялари ваколатларини узайтирди ва уларга Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг комиссиялари мақомини беришни таклиф этди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси аъзосининг мақоми тасдиқланди.

Пленум Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг раиси М. И. Иброҳимовнинг Наманган шаҳрида содир бўлган воқеалар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Кун тартибидagi барча масалалар юзасидан бўлган

мунозарада Тошкент тепловоз депосининг тепловоз машинисти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси бюросининг аъзоси Х. А. Исамухамедов, Бухоро вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби Д. С. Едгоров, Ўзбекистон табиати муҳофаза қилиш жамияти жумҳурият кенгаши Раёсатининг раиси О. Алминов, Тошкент шаҳар партия қўмитасининг иккинчи котиби Ю. А. Асепков, Қорақалпоғистон МССЖ Тўртқўл район партия қўмитасининг биринчи котиби Г. Н. Ҳожиёв, Фарғона механика заводининг президенти А. Д. Маматов, Ўзбекистон ССЖ уруш ва меҳнат ветеранлари жумҳурият кенгашининг аъзоси П. Қаюмов, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимининг академик котиби А. Асқаров, Самарқанд шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби Н. Н. Екубов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. К. Т. Тоиров Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси умумий бўлимининг мудирини этиб тасдиқлади.

Пленум ишда КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Қўмита котиби Г. И. Янаев, КПСС Марказий Қўмитаси котибиятининг аъзоси Г. Тургунова, КПСС Марказий Қўмитаси ташкилий бўлимининг мудирини Н. И. Семенов, Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг аъзолари қатнашдилар.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Пленуми ўз ишини тугаллади.

Ўзбекистон ССЖ Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасида

Ўзбекистон ССЖ Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон ССЖда тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССЖ мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияга мувофиқ, бозор иқтисодиётига ўтиш шартинда жумҳуриятда ягона пул сиёсатини ўтказиш, пул муомаласини барқарорлаштириш, аҳолига кредит-хисоб хизматини яхшилаш мақсадида ва ССЖИ давлат банкнинг ушбу масалалар оид қарорини эътиборга олиб, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

тижорат банклари ҳамда бошқа жумҳуриятлар ва минтақаларнинг шундай банклари филиалларини қайта рўйхатдан ўтказиш, пул муомаласини давлат банки рўйхатдан ўтказгандаги Ўзбекистон ССЖ ҳудудда фаолият кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон давлат банкига 1991 йилнинг 1 январига

жумҳурият ҳудудидagi барча мавжуд тижорат банклари, бошқа жумҳуриятлар ва минтақаларнинг шундай банклари филиалларини қайта рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилди. Ана шу мuddат ичида банкларнинг бундан буён фаолият кўрсатиши мақсадида мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақдир қилинсин.

Ўзбекистон ССЖ Прокуратура-расига банклар фаолиятида қонунчиликни, пул маблағларини сақлашнинг, жумҳуриятнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган аниқ-равшан чоралар кўриш тавсия этилди. Амалия оширилган ишлар тўғрисида ҳар йили январь ойида Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб турилсин.

БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ

Бутун жумҳурият коммунистлари вакиллари Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг иккинчи босқичини бошлаш учун пойтахтдаги «Саъват саройи»га йиғилдилар. Ийрик анжуманларнинг иккинчи босқичга бўлиниши — жамиятимиз учун янгилик эмас. Воқеаларнинг тез ривожланиши, сиёсатнинг ўзгариши ва демократик жараёнлар ҳалқ депутатлари, коммунист ва комсомолларнинг съездларини иккинчи босқичда ўтказишга олиб келди. Хўш, коммунистлар учун қийин синов бўлаётган ҳозирги даврда ноҳия ва шаҳар партия ташкилотларида аҳвол қандай? КПСС аъзоллигига қабул қилиш ҳақидаги аризаларнинг «чўғи» камаймадими? Съезд арафасида ушбу саволларга жавоб олиш учун биз Акмал Икромов ноҳия партия қўмитасининг иккинчи котиби А. Г. Ивашкинга мурожаат қилдик.

— Ноябрь ойида бизда 85 киши КПСС аъзоллигига қабул қилинди. Шулардан 80 киши номзодликдан ўтган бўлса, қолган 25 киши янги-часига, яъни тўғридан-тўғри аъзолликка қабул қилинди. Резерв билан яқиндан ишлаш ўз самарасини бермоқда.

Биз қайта қуриш шариатида Компартияга ҳақиқатан ҳам ёрдам қўлини қўзғатган, унинг сафида туриб бевосита тошйирик ва вазифаларни бажара оладиган кишиларни қабул қилишимизга десам — муволафат қилмаган бўламиз. Ҳозирги қийин шартларда ҳам партияга қабул қилиш тўғрисида ноҳия бўйича 40 га яқин ариза топ-

ширилганлигининг ўзи фикримнинг исботидир. — Партиядан чиқиб кетганлар ҳам бор... — Бор. Бирок биз уларнинг ҳар бири билан учрашган, нима мақсадад бўлмай қилганликларини аниқлашмиш. Бу таҳлил келажакдаги ишларимизга асос бўлади. Сабасиз чикиб кетишларга йўл қўймаслигимиз зарур. Иттифоқимизнинг бошқа ҳудудларига сингари оммавий чиқиб кетиш бизда йўқ. Яна ҳолда чиқишнинг асосий сабаби эса жойлардаги бошланғич партия ташкилотларининг ўз сафидан аъзолликка қабул қилиш тўғрисидаги қўйилган талабларни қўйишдан бўшган ёки пенсияга

чиққан кекса коммунистлардан бир нечаси эътиборсизлик натижасида КПСС сафидан чиқишга қарор қилган эдилар. Улар билан учрашиб етарлича гап-мулоқотлар қилингандан сўнг, дастлабки фикрларидан қайтидилар. Бундай ҳоллар тақдорланмаслиги учун ноҳия партия ташкилотини бир қанча ишларни амалга оширди. Ҳозир ноҳия партия қўмитаси аъзолари, фаоллар ҳамда маҳкама ходимларидан иборат 6 та гуруҳ тўзилиб, улар партиядан чиқмоқчи бўлган коммунистлар билан иш олиб боришлар.

— Бундайлар кўпчилиги ташкил қилади? — Ҳозирча 7 киши. Бошқаларга солиштирганда бу кам кўриниши мумкин.

— Ноҳияда партия йиғилишлари бўлиб ўтганда сўнг биз коммунистлар иш-тироқида давра столи ўтказдик. Ушундан партияга қабул этилиш ва ундан чиқиш ҳақида барча таклифлар ўртага ташланди. Шунингдек, КПСС сафида 50 йил бўлганларни йиғиб уларга «Партия ветерани» нишонини ва худди ўша ерининг ўзида ёш коммунистларга аъзоллик билетларини топширдик. Қисқа қилиб айтганда пар-

тиянинг обрўсини тиклаш борасида ишлар олиб борилапти.

Ноҳиямиздаги коммунистларнинг фаоллиги уларнинг Ўзбекистон Компартияси Устави ва Ҳаракат дастуридаги иш-тироқида ҳам яққол сезилди. 114 та партия ташкилотининг ҳар биридан таклиф ва мулоқазалар йиғилди. Ана шулардан 119 тасини биз умумлаштириб Марказқўмга, ишчи комиссияларга жўналатдик.

— Сўнгги савол, партия сафидан чиқмоқчи бўлганлар КПСС сўбатидан норозими ёки Ўзбекистон Компартияси тугатган бўладими?

— Аввало, партиянинг сиёсий йўлидан норози бўлганлар жуда озчилигини ташкил этади. Умумийтафқ мисолида содир бўлаётган кўпгина ўзгаришлар сабаби коммунистларимизда салбий ҳис уйғотмоқда. Улар тўғридан-тўғри фалочин кишилар билан бир партияда бўлишнинг ҳоҳламанми дедоқдилар. Бирок жумҳуриятимиз партия раҳбарларини тўғридан-тўғри билан билганларини эътиборга олганда, Акмал Икромов ноҳияси коммунистлари бу йўлни қўллаб-қувватлайди деб эътибор қўйсаниз — фикримни тўлиқ ифодалаган бўласиз.


Аброр ИМОНХУЖАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

ТОЖИБОЙ БҮРИЕВНИНГ ЯНГИ МАШИНАСИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ ноҳиясидаги Қим Пен Ха номли жамоа хўжалигида тўкилган пахтани терадиган янги машинанинг дала шартинидаги синовий кўнгилдагидек ўтди. Ясалиши оддий, ишлатилиши ҳам жўн бўлган бу мослама бир йўла 200 теримчининг ўрнини боса олади. Мутахассисларнинг фикрича, уни биз биладиган ҳозирги машиналардан фарқи равишда, учинчи эмас, иккинчи теримдан кейинроқ далага чиқариш мумкин.

Машинанинг муаллифи, элдошимиз, «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг лаборатория бошлиғи, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Тожибой Бўриевдир.

Механизмнинг ишлаш йўсини оддий, сўрувчи қувурларнинг ўрнини алмаштириш натижасида тўкилган пахтани йиғиштириб олиш бир неча хисса ошадиган ҳамда чигит билан толаннинг шинавланиши анча камайди. Янги механизмнинг дунёга келиши ҳам анчагина қизиқ бўлган. Уни муаллифининг ўзи Қим Пен Ха номли жамоа хўжалиги гаражидagi турли эскирган қисмлардан ясаган. Бундай пайтларда бўладигандек, Тожибой Бўриевнинг йўлида маҳнамачиликнинг ҳар бир янги нарсани тўхта-тишга ҳаракат қиладиган тўсғинини қўйишга ҳам уриниб кўрилди. Лекин шунки, тушунган одамлар ҳам топилади. Ҳозир муаллиф Паркент ноҳиясидаги «Ленинобод» давлат хўжалигида янги машинани ишлаб чиқарадиган кичик корхонани ташкил қилапти.



● Суратларда (юқориди) Тожибой Бўриев ва физика-математика фанлари номзоди Исроил Каримовлар; (пастда) Тожибой Бўриев пахтачилик хўжаликлари раҳбарларига ўз маҳсулотини кўрсатаяпти.

Сўз делегатларга ПАРТИЯДАН УМИДВОРМИЗ

А. Г. ШАБАНОВА,
Октябрь революцияси номидagi Тошкент тепловоз ремонт заводидаги ишчиси

Ҳозир ҳаётимизда юз бераётган салбий ҳодисалар жиноятчиликка, чайқовчиликка ҳамда порахўрликка нисбатан жиддий чоралар кўришни тақозо этмоқда. Агарда шу ишлар амалга ошса кишиларимизнинг партияга нисбатан ҳурматлари қайта тикланарди. Шунинг учун ҳам жумҳуриятимиз коммунистлари анжуманида бу масалалар кескин қилиб қўйилса, айни муддао бўларди.

Биз ушбу съездда Ўзбекистон Коммунистик партияси Устави ҳамда Ҳаракат

Анъаналарга содиқ қолайлик

Э. Т. ШАЙХОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ректори,
профессор, Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган фан арбоби

Мана бутун Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг иккинчи босқичи ўз ишини бошлайди. Биз кейинги пайтларда шундай анжуманлардан кўп нарсани кўтдик. Лекин қўзлаган натижаларга эриша олмадик. Аммо кейинги пайтларда жумҳуриятимиздаги иқтисодий ўзгаришлар ва шахсан Президентимиз, Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби Исроил Абдуғаниевич Каримов ҳамда жумҳуриятимиз партия ва ҳукумати томонидан қабул қилинаётган қарорлар меҳнатчиларни келажакка умид билан қарашга ундамоқда. Шу ўринда айтиб ўтишимиз керакки, охириги йилларда жумҳуриятимизда 170 минг гектар ер шахсий хўжаликларга акра-

тиб берилди. Ишонаманки, бу яқин ўртада халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим омил бўлади.

Сир эмас, кейинги пайтларда кўпгина коммунистларимизда жўшқинлик ва фалочин сусайиб кетди. Уларнинг кўпчилиги «Кўрайликчи, бу ён нима бўларкин» деган қайфиятга берилишган. Шунинг учун ҳам менинг фикримча, авваломбор коммунистлардаги фаолликни кучайтиришимиз зарур. Бу эса партия ташкилотларига катта масъулият юклайди. Агар коммунистларимиздаги жўшқинлик кучайса, жумҳуриятимиз партия ташкилотининг оммага таъсири ҳам кучайган бўларди.

Ижтимоий маънавиятни муҳофаза этиш юзасидан шойилинч тадбирлар ишлаб чиқиш тўғрисида

ССЖИ Президенти М. С. Горбачев совет кишиларининг мамлакатда турли-туман беҳаё, сохта таъаббатга оид адабиётларнинг, шаҳароний хисларни ифода этувчи видеофильмларнинг ва бошқа шунга ўхшаш наشرларнинг тарқатилганидан ташвишда эканликларини эътиборга олиб, «Ижтимоий маънавиятнинг муҳофаза этиш юзасидан шойилинч тадбирлар ишлаб чиқиш тўғрисида»ги фармонини имзо чекди.

Шу мақсадда ССЖИ маданият вазирини Н. Н. Губенко бошчилигида комиссия тузилди. Комиссия таркиби-

га марказий давлат ва жамоат идораларининг вакиллари киритилиш, шунингдек бу ишга иттифоқ ва мухтор жумҳуриятлар маданият идораларини жалб этиш мақсадида мувофиқ деб топилади.

ТАСС.

СЎНГИ СОАТДА

● ВОНН.

(ТАСС мухбири Виктор Чистяков). Бугун христиан-демократлар иттифоқи, христиан-социаллар иттифоқи ва эркин демократик партия вакиллари ўртасида Германиянинг бўлажак ҳукуматини тўзиш тўғрисида музокаралар бошланди. ГФЖ канцлери Гельмут Коль Боннда шунинг эълон қилди. Христиан-демократлар иттифоқи ва христиан-социаллар иттифоқидан парламентга сайланган депутатларнинг қўшма мажлисидан кейин журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда у ҳуқуқрон уюшмага кирган партияларнинг раҳбарлари — христиан-социаллар иттифоқининг раиси Тео Вайгель ҳамда эркин демократик партия

ранси Отто Ламбдорф билан бўлажак музокаралар иш жадалини муҳокама қилишини айтди.

Г. Коль ҳукумат тузиш ишларини Рождество байрамигача тугаллаш истагини билдирди.

● ВАРШАВА.

(ТАСС мухбири Валентин Волков). Польша Вазирлар Кенгашининг Раиси Тадеуш Мазовецкий Польшага ташириб буюрган АҚШ мудофаа вазирини Ричард Чейннинг қалби Европадаги, аввало Марказий ва Шарқий Европадаги доллар вазият хусусида борди.

Америка мудофаа вазирини билан Польша Вазирлар Кенгаши Рансининг ўринбосари, молия вазирини Лешек Бальцерович ўртасида бўлиб ўтган учрашув чоғида Польшанинг иқтисодий аҳоли билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Р. Чейннинг фикрича, мамлакатда

ССЖИГА ЕРДАМ КЕНГАЙМОҚДА

● БРЮССЕЛЬ. Бу ерда Европа ҳамжамиятлари кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Ташқи ишлар вазирлари иш-тироқида ўтган сессиянинг кун тартибига Совет Иттифоқига ердан бериш масалалари асосий бандлардан бири эди. Европа ҳамжамиятлари (ЕХ)га аъзо бўлган ўн икки мамлакат ташқи ишлар маҳкамаларининг бошликлари ЕХ комиссиясининг раиси Жак Делорнинг ССЖИдаги ишхотларининг болрини ва совет иқтисодиётининг ҳолати тўғрисидаги маърузасини тингладилар. Совет Иттифоқидagi қайта қуриш жараёнларини қўллаб-қувватлаш ва бу йўлда амалий ердан бериш ҳақида яқинлиқ билан фикр билдирди. Таклиф этилган дастур тўрт соҳада ҳаракат қилишни кўзда тутди. Озиқ-овқат билан ердан бериш, шунингдек чет эллардан маҳсулот сотиб олиш учун қарз бериб туриш, ССЖИдаги тўлов балансини қўллаб-қув-

ватлаш чоралари, сўми бемалол айирбошланадиган қилишга кўмаклашиш, ЕХ билан янгида кенгроқ савдо битимини ишлаб чиқиш шу жумлага кирди.


Бельгия ташқи ишлар вазирини Марк Эйкенс сессияни якунлаб шуни маълум қилдики, ўн икки мамлакат вакиллари қиш охиригача ССЖИга 1—2 миллиард долларлик ҳажмда озиқ-овқат билан ердан беришни таклиф этмоқдалар. Бунда мазкур ердан бериш самарали равишда элтиб беришга алоҳида эътиборни қаратиш режалаштирилмоқда.

● ЛОНДОН. Совет Иттифоқи озиқ-овқат еттишмаслигидан эмас, балки таъминот системаси издан чиққанидан қийинчиликка дуч келишмоқда, деди сешанба кўни Буюк Британия ташқи ишлар вазирини Д. Хэрд. У Би-би-си радиосининг мухбири билан суҳбатда ССЖИда етарли озиқ-овқат, нағмалари бўлса ҳам, анимо уларни

дўконларнинг пештахталарига етказиб бериш мумкин бўлиб турибди, деди. Фарбдан озиқ-овқат юборилиши дўконларда озиқ-овқат еттишмаслигининг асосий сабаби бўлиши транспорт муаммоларини бартар мушуқлаштириши мумкин, деб огоҳлантирди вазир.

● ВЕНА. Совет Иттифоқи озиқ-овқат билан ердан беришга алоқадор масалалар Австрия вазирлар кенгашида муҳокама қилинди. Жумҳурият ҳукумати шу мақсад учун 100 миллион шиллинг акратди. Маҳсулотларни бевосита ССЖИда тақсимлаш билан Австриянинг маъмури «Керитас» ҳайрия ташкилоти ва Қизил Крест совет муассасалари билан яқин ҳамкорликда шуғулланилди, деб тахмин қилинмоқда.





А. РАХИМОВНИНГ

ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ

Тошкентдаги амалий санъат музейида ССЖИ Расуллар уюшмасининг аъзоси Акбар Раҳимовнинг шахсий кўргазмаси очилди. Бу ерда намойиш этилаётган сопол буюмлар йиллар давомида ўлкамиз археологик қазилмалари натижасида топишган қадимий ноёб нусхаларга ҳамоҳангдир.

Авлоддан-авлодга ўтиб келатган ота касбини эътиборга олаётган Акбар ушундай муҳим ўқувчи бўлиб қолган. Ҳозирги кунда унинг илҳом қайтадан Тошкент сопол мактабини ташкил этишди. Яқинда А. Раҳимов иккидан намуналар Ленинград шаҳрида намойиш этилди ва бир қанча сопол буюмлари Эрмитаж, Антропология ва Этнография музейлари томонидан сотиб олинди.

М. МИРАЛНОВ. Суратларда: Акбар Раҳимов ушундан: расмий иккидан намуналар. Ф. ҚУРБОНОВЕВ суратлари.

(ЎзТАГ).



1,5 МЕТРЛИ СОЧ

● АМЕРИКАЛИК 39 ёшли қўшқинчи Кристоф Гейл қизик муаммо олдида турибди. Унинг сочи узунлиги бир ярим метрга етди. Уни кесиб ташлашни ҳам, қолдиришни ҳам билмай қарар. Бунинг устига кейинги вақтларда қўшқинчини кирган ҳамда бўйни ва умуртқасига пайдо бўлган оғриқ ҳам қийнамоқда. Бунинг сабаби ҳам сочиде экан. Оғриқлиги икки килограммлик сочи шу даража мушкул қилган эмиш. Соғлом бўлай десанг, сочин билан ҳайраш, деб маслаҳат беришга артистга.

ХУНУК АЁЛЛАР УЮШМАСИ

● ИТАЛИЯДА хуноқ аёллар уюшмаси ташкил этилган. Ҳозирги вақтда унинг аъзолари сафида ун тўрт мингдан ортиқ хотин-киз бор. Утган йилларда «Италия гўзал» номига сазовор бўлган бир неча аёллар ҳам уюшма аъзолари ҳисобланган. Яқинда бу уюшма аъзоларининг қурултойи бўлиб ўтди. Бу қурултойнинг (у биринчи марта бундан 111 йил илгари бўлиб ўтган эди) шiori куйидагича: «Хуноқлик кучи кўрсатади, гўзаллик тутқунлиқни кўрсатади».

ТРОПИКАЛ МЕНАСИ

АЁЛЛАРГА

● ИНДОНЕЗИЯ чакалзорларида ўсадиган тропик йиринг арнольд рафлэзия гули (катталиги бир метрдан ортиқроқ бўлади) яқиндан бошлаб косметика фирмалари диққатини ўзига тортимоқда.

Умуман пояс бўлаётган бу ўсимлиқнинг индонезиядан мурқаб эфир майларини ажратиб олинди. Унинг актиниб хусусиятлари бор. Жула оз миқдорда мойпага қўшиб, терига суртсан, унинг тез ва жадал товланишига ёрдам беради. Тажрибачилар шунинг кўрсаткичи, шундай қўшимча майла бир ҳафта давомида юз терисини турли хусубулардан ва аллергия тошқинлардан ҳалос қилади, уни силқиллаштириб, майда ақинларни йўқотди.

ОЛТИ Ёшли Малоҳат Абдураҳмоновнинг «Меҳнат реузларини» ҚОСЖНИНГ нафис гимнастика тўғрисида қатнашганлигига ҳали ҳеч қанча бўлгани йўқ. Шунга қарамай, Ёшлар Раёмоқ қўл остида маҳорат ва қаққонлик сирларини ўрганаётган бу қизчадан (ўғид) келажакда ўзбек спортини шарофати ҳимоя қилувчи, таниқли гимнастикачи чиқишига умид қиламиз.

Шу тўғрисида аъзоси, 172-мактабнинг 5-синфи ўқувчиси Ёш Вударина спорт устаси номзоди деган унвон олиш арафасида (чапда). Суратчи Р. АЛБЕКОВ.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

Анора ХУДОЙҚУЛОВА.

• Булар сиздан миннатдор

Ойқарам Исаева Ўзбекистон кўрлар жамияти қошидаги юрак ва асаб хасталикларига шифо бағишловчи Ингилд, санаторийида кўп йиллар ишлаб қадр топти. Бу оддий ҳамширадан дам олувчилар ҳам, даволанувчилар ҳам беҳад миннатдор. Ким билан суҳбатлашсангиз унинг хушмуомалалиги, ширин сўзлигини алоҳида таъкидлайди.

Санаторийда Ойқарам парҳез ҳамшираси сифатида бе-

ҲАММАГА БИРДЕК МЕҲРИБОН

морлар эътиборини қозониб келмоқда. Шунинг учун бўлса керак, мулоҳазалар дафтарига О. Исаева ҳақида жуда кўплар дил сўзларини ифода этишган.

Ойқарам юксак маданият, ҳар бир сўзи киши-

га ором бахш этганига аёл, дейди жумҳурият кўрлар жамияти Бухоро вилояти бошқарува хайъатининг раиси Акбар Хайдаров. — ундаги яхши хусусиятлардан бири — дам олувчилар билан тез қадрдолаша олади. Муома-

ла сеҳри билан шифо бахш этади.

— Биз Ойқарамни жонқуярлиги учун астойдил ҳурмат қиламиз. У ҳеч кимнинг кўнглини огритмайди. Баракат тосин. (Бир гуруҳ даволанувчилар).

Бундай мамнулик сўзлари ҳамширага руҳ бағишламоқда. У хизматини сидқидидан бажариб дам олувчилар ҳурматини қозонмоқда.

Х. ҒАФФОРОВА.

Ҳоғуса

Хайрон қоларди ҳоғуса. 1990 йил 26 ноябрь соат 16 ларда Оққўрғон ноҳиясидаги Ҳамза номи 6-мактабда тўсатдан портлаш рўй берди. Бу вақтда кўни узайтирилган синфлардан бири сайради, иккинчиси ошхонада, учинчиси хабархонада бўлган сабабни бошларга ҳеч қандай шикаст етмади. Фақат ўқувчилар ўтирган хонада ойналар синди, деворлар дарз кетди. Текшириш ишлари портлашга қувручилар айдор бўлганлигини кўр-

сатди. 1978 йилда мактабнинг фойдаланишга топширилган иситиш тармоқлари белгиланган қондаларга, хилоф равишда қурилган, илгари ётқизилган газ қувурлари ва кейинчалик ўтказилган иситиш тармоқларининг бири билан нештанглиги аниқланди. Қувурларнинг иморат ичкарисига қирадиغان қисми эса яхши берки тилмаган. Натижада пол ос-ти бўшлиқларида газ-ҳаво аралашмаси йиғилиб ётган. Санэпидстанция ходимлари

билан «Краснохолмгеология» қидирув экспедицияси ходимларининг ўтланган ҳавони биргаликда текширувлари бор эди метан, этан, бутан газлари йиғилганлигини кўрсатди. Шамолатлиш ускуналари эса йўқ. Оқибатда портлаш содир бўлган. Натижада учта синф, илмий бўлим мудири хонаси ҳамда санитария тармоғида жиддий шикастланишлар рўй берди. Афсуски, қувручиларнинг бундай ҳатолари фақат шу мактабдагина эмас, ишқилиб

бу портлаш охиригиси бўлса бас.

Х. АЛИЕВА.

Тошкент вилояти санитария эпидемиология станциясининг болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими мудири.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КИНОФИЛЬМАРНИ

ИЖРАГА БЕРИШ ИДОРАСИ

ДЕКАБРЬ ОИДА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИ ВА

НОҲИЯЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

ЯНГИ БАДИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРАДИ

«ФАРИШТАЛАР УЧУН ХАПДОРИ»



Сценарий муаллифлари — Роман ФУРМАН, Олег КОМЕНИКОВ.

Режиссёр — Владимир ПОПКОВ.

Ролларда: Альберт ФИЛОЗОВ, Лия АХЕДЖАКОВА, Лариса УДОВИЧЕНКО, Виктор ВОРЦОВ, Ксения РЯБИНКИНА.

Бу экран асари камтарин давлат хизматчиси Клавдий Иванович Родимцев бошидан кечирганлари ҳақидаги комедия бўлиб, ҳалоллик ва ҳақгўйлик унинг учун ҳаётнинг бирдан-бир тарзидир.

А. ДОВЖЕНКО номидаги киностудия МАҲСУЛОТИ.

«ҚИЗАЛОҚ БҮЛАДИ ДЕВ УМИД ҚИЛАЙЛИК»


Режиссёр — Марно МОНИЧЕЛЛИ.

Ролларда: Лия УЛЬМАН, Катрин ДЕНЕВ, Филипп НУАРЕ, Жулиана ДЕ СИО ва бошқалар.

Биргина Италия оиласининг катта ва кичик муаммолари фойнавий тарихи ҳақидаги ҳикоя қилинган бу фильмда, чупончи жонетлардаги кутилмаган кескин бурлишлар ва нозик кулги ҳиссиети ҳам кўзга ташланади.

ИТАЛИЯ ВА ФРАНЦИЯ КИНОСТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ

«ХАРЛЕЙ» ДОСТОНИ



Бу фильм — Севги ҳақида. «Харлей» бўлса — бу севишганларнинг ўз бахтини топилларида қўмак берган мототикдир.

Режиссёр — Веслав ХЕЛЯК.

Ролларда: Ян ЯНОВСКИЙ, Катажина ХЖАНОВСКА, Андрей ПЕЧИНСКИЙ ва бошқалар.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 7, 18, 23 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ СОАТ 19.00 ДА

ПРЕМЬЕРА

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ асари

«ТҮМАРИС»

2 ПАРДАЛИ ФОЖЕА

Саҳналаштирувчи режиссёр — ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг совриндори Рустам ҲАМИДОВ.

Расм — Анастасий ЖИВОНОВ.

РОЛЛАРДА: ССЖИ халқ артисти, ССЖИ ва Ҳамза номидаги Давлат мукофотларининг совриндори З. Мухаммаджонов.

ЎзССР халқ артистлари, ССЖИ Давлат мукофотларининг совриндорлари: С. Табибуллаев, Е. Аҳмедов, Т. Азизов;

ЎзССР халқ артистлари, Ҳамза номидаги давлат мукофотларининг совриндорлари: Т. Қаримов, Я. Абдуллаева, Н. Болтаев;

ЎзССР халқ артистлари: Э. Маликбоева, Ш. Азизова, Р. Иброҳимова, Т. Тоғиев, Т. Хонгураев;

ЎзССРда хизмат кўрсатган артистлар. Ҳамза номидаги Давлат мукофотларининг совриндорлари: Т. Муминов, Г. Зокирова, Б. Қосимов;

ЎзССРда хизмат кўрсатган артистлар: С. Умаров, Р. Авазов, М. Абдуқудиров, М. Иброҳимова, Х. Юнусов; артистлар: С. Юнусова, Р. Қаримов, П. Носиров, С. Зиёмуҳамедов, Г. Ҳожиёв, Х. Қокилов, Ф. Жалолов, Ф. Маъсудов, Р. Жўраев, Б. Мухаммаджонов, Ш. Исмонлово, М. Исмонлов, Л. Қулабдуллаевлар иштирок этадилар.

Оммавий саҳналарда театр артистлари ва А. Қодирий номидаги Маданият олийгоҳининг талабалари қатнашадилар.



7 ДЕКАБРЬ

→ ЎзТВ I

11.30 Зоология. Сув ва қуруқликда яшовчилар. 12.00 «Тезликнинг тизгинланиши», «Ерданчилар мактаби». Телефильмлар. 12.30 Биология. Хужайрада мода ва уларнинг алмасишуви. 13.00 Революция ваколати билан. Бадий фильм. 3-серия. 18.05 Янгилар. 18.10 «Ўзбекистон сановати: моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш», 18.40 «Қўшиқ айтиш — озуғим Ю. Юсупов, И. Қирғизов. 19.30 Ахборот (рус тилида). 19.45 Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазири матбуот маркази хабар қилади. 20.00 Тижорат ҳақлари. 20.10 Илмий мулоқотлар. 20.30 «Ахборот. 20.50 Диярбо концерт. 21.30 «Время». 22.00 Ўзбекистон Компартияси XXII съездида. 23.00 Ички ишлар қўн жадвали. Бадий фильм.

→ УЗТВ II

19.05 Бу оқшомда. 20.00 Пульс. Информацион курсатув. 20.10 Бу оқшомда курсатувининг давоми.

ДУШАНБЕ КУРСАТИДИ: 21.30 «Время». 22.00 «Ранда». Танқидий тележурнал. 22.40 Гарройб воқеа. Бадий фильм. → МТ I

7.00 «120 минута». 9.00 Омега варианты. Беш серияли телевизион бадий фильм. 5-серия. 10.10 «Сўз». Адабий-бадий программа. 12.10 «16 ёшгача ва ундан катталар». 13.00 «Время». 13.40 «Цам» мугул байрами. 14.10 Л. Тимофеева чалади. (Фортепьяно). 16.00 Малиновка ва айик. Мультифильм. 16.15 «Юмриец» Телевизион хужайати фильм. 16.25 премьераси. 1988 йили эълон қилган Ленинкан шахрининг аҳолиси ҳақида. 16.40 Яшил чироқ. 17.15 ССЖИ Давлат те-

9.15 «Табият сирлари». Илмий-оммабоп алъмаҳал. 9.35 10.35 Тевароқ атроф билан танишиш. 1-синф. Мактаб ва меҳнат ўртоқлари. 9.55, 10.00 «Тунги Эрмитаж». Телевизион хужайати фильм. 10.05 Инглиз тили. 1-йил. Шугулланганлар учун. 11.05 Инглиз тили. 2-йил. Шугулланганлар учун. 11.35, 12.35 Жўрофия. 6-синф. Тоғлар ва текисликлар. 12.05 «Онам, давам ва мен». 13.05 Қрасодор шахар ашлар фольклор ансамблининг чиқиши. 13.15 Харлаф хавфсизлиги учун. 13.20 Концерт. 14.10 Таворийи телефильмлар кундузги сеанси. «Дала ҳовли воқеалари». 4-серия. «Дам олиш кунларидаги таширлар». 17.25 Спорт ҳамма учун. 17.40 Союзлар уйининг Колонна залида Лидия Русланова хотира кечаси. 18.55 Коллаж. 19.00 «Время». 19.30 Яхшудий мушқа ва қўшқилари фестивали. 20.20 Долзарб интервю. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкин тайлар! «Степаннинг чўртан байлиги». 20.45 «Томошабинлар меҳри соврини» кинофестивали. «Ложкин тилларини қаерга яширади». Телевизион хужайати фильм. 21.15 «Жайронлар ороли». Телефильм. 21.25 Эстрада реқссларининг замонавий йўналиши — СТЭ. ва унинг тарихи ҳақида фильм-концерт. («Экран»). 22.00 «Келгинди». Бадий фильм. («Мосфильм»). 23.25 Маррани анжқ Олий Кенгашининг сессиясида.

• Ҳаётий қатрлар

ҚОҒОЗГА «ЁРИЛДИМ»

ҚАЙСИДИР сўзи ва сазий-ҳаракати билан кўнглингизда бир лаҳзалик ёруғ из ташлаб ўтадиган ёки хиралаштириб, таъиниғизни ҳуфтон айландириш ҳолатлар бўлиб туради. Гоҳо унинг узок вақт унутолмай юрарасиз ва бир кишига «ёрилтиш» келад. Мен эса оқ қоғозга ана шундай кечинмаларимни қандай бўлса шундайлигича туширишга ҳараяят қилдим.

ЭРИМНИ СЕВМАЙМАН,

БИРОҚ ҲУРМАТ ҚИЛАМАН

УЛАРИНИНГ оиласини кўпдан билмаман. Эр-хотин ҳар ҳолда иноқ йшайдилар, фарзандлари кўп — етти нафар. Маҳаллада ҳам ўзларига яраша обрўлари яхши. Хотин чевар. Яхши толада. Эри бир идоранинг бошлиғи. Тағдига машина. Шунга яраша уй-жой рисоладагидек.

Бир кун гапдан гап чиқиб суҳбатлашиб қолдик ҳамсоам билан. Унинг тўкин ҳаётига ҳавас билан боқаман ва шундай сўрабман.

— Бахтигул, сизга чинакамга ҳавасим келади. Оилангизда доимо осойишталик, жула бахтилардансиз. Биз эса дамо-дам тортишиб, асабийлашиб қоламиз. Кейинги вақтларда севиб, севилиб турмуш қурганимга ҳам пушаймон бўлиб кетаман гоҳо. Ҳамма гуноҳини биринчи муҳаббатим бўлганлиги учунгина кечираман. Бўлмаса аллақачон...

У мента узок термулиб боқиб, мулоим овозда сўзлай бошлади.

— Мендан кўра сен бахтиёсан, негани қалбингизда соя ташлайдиган булутларни биринчи муҳаббатинг ёғдуси тарқатиб юборади. Юрагиди севиғис яшаган одам ҳақида ўзини бутун ҳис қилишга ҳаққи бор. Мен эса уни севамаганман. Танқид тавозоси билан учрашганимиз ва яшашимиз. Ростини айтганимиз бўлсам, мени кечирарсан. Унинг яхши топишганина мени унга боғлаб турган риштадир. Яшаш учун ҳамма нарсамиз биёсёр. Ҳаётимизда ҳеч нарсига зорикмаганман. Мента шундай шароит риштарман десам бўлади. Ма-на, ўғил-қизлар ўстирилгани умид билан. Эримни севамаганман, бироқ чин юракдан ҳурмат қиламан ҳоло, — дейди узун тим қора сочинин ўриб ўтириб.

Мен унинг сўзларини ҳеч унутолмай юрардим. Ойла бахти севиғи-муҳаббат тахтига қуриладиган ёки меҳнат ва ҳурмат шоҳусустигани — билолмай қолдим. Менимча оила бахтини яратишда инсонда кўп ҳислатлар бўлмоғи зарур деб ўйлайман. Севи, меҳр, ишонч, эътибор ва ҳурмат. Қолаверса ҳалол меҳнатдан келадиган даро-

мад инсонни инсон қилиб камолотга етказди. Юқоридегиларнинг бирортасининг ўрни йўқолса даставвал саломатлигига зиён ета бошлайди. Аста-секин оила бахтининг омонатлиги ошиб бораверади, деб ўйлайман-у...

Йўқ, оилада ўзаро ҳурмат бўлса ҳам яшаб кетса бўлади: фақат армонли нигоҳинингиз эмас, бутун тоза ҳисларининг ҳам бўйиндан бўғиб...

Уларнинг оиласини кўпдан билмаман. Эр-хотин ҳар ҳолда иноқ йшайдилар. Фарзандлари кўп — етти нафар. Уларнинг тўкин ҳаётига ҳавасим келади барибир. Оиласиди ҳурмат устунин доимо омон бўлсин, шу оилада ўсатган етти фарзанд эса униёс кетаверсин дейман-у, негадир кўз ёшларини артиб қўяман...

Оиладан дугонасининг ҳасратини тинглайдим. Дугонаси бу сафар ҳам эримнинг ёқимсиз қилиқларини айтиб йнгламоқдан бери бўлди.

— Озода, ўтган гал ҳам сенинг бир оғиз гапинг билан кечирувдим. Ярашдик. Кўп ўтмай мана яна ичишни бошлади. Нима қилай, болаларингиз йўлмасиз. Бугуноқ бо-раман, Тўғри судга ариза бераман.

— Қўйсангиз, Баҳор. Эсингиз едингиз, қани айт, кимнинг эри ичмайди. Мага-нидаги арақларни арнақлар ичмасиз ним ичад. Довру-нинг олмача. Қани ким ая-рашнинг судга боришти ма-ҳаллада. Ҳеч ким. Суд сен-нарсамиз биёсёр. Ҳаётимизда ҳеч нарсига зорикмаганман. Мента шундай шароит риштарман десам бўлади. Ма-на, ўғил-қизлар ўстирилгани умид билан. Эримни севамаганман, бироқ чин юракдан ҳурмат қиламан ҳоло, — дейди узун тим қора сочинин ўриб ўтириб.

Мен унинг сўзларини ҳеч унутолмай юрардим. Ойла бахти севиғи-муҳаббат тахтига қуриладиган ёки меҳнат ва ҳурмат шоҳусустигани — билолмай қолдим. Менимча оила бахтини яратишда инсонда кўп ҳислатлар бўлмоғи зарур деб ўйлайман. Севи, меҳр, ишонч, эътибор ва ҳурмат. Қолаверса ҳалол меҳнатдан келадиган даро-

мад инсонни инсон қилиб камолотга етказди. Юқоридегиларнинг бирортасининг ўрни йўқолса даставвал саломатлигига зиён ета бошлайди. Аста-секин оила бахтининг омонатлиги ошиб бораверади, деб ўйлайман-у...

Йўқ, оилада ўзаро ҳурмат бўлса ҳам яшаб кетса бўлади: фақат армонли нигоҳинингиз эмас, бутун тоза ҳисларининг ҳам бўйиндан бўғиб...

Уларнинг оиласини кўпдан билмаман. Эр-хотин ҳар ҳ